



67

140704, Иштихон шаҳри, Иштихон ко'часи-4-уй
Тел.: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

140704, 2. Иштихон ул. Иштиханская д.4,
Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

016у.г «3» ОШХАДР

№ 2624-15

Иштихон ш.-г. Иштихан

“Ўртақишлоқ” кишлоқ фуқаролар йиғини Ғузон
қишлоғи ҳудудидан “MAROQAND TRANS GROUP”
МЧЖга “Сув кадоклаш цехи” бинолари
қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини кубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида “MAROQAND TRANS GROUP” МЧЖнинг Иштихон тумани “Ўртақишлоқ” кишлоқ фуқаролар йиғини Ғузон қишлоғи ҳудудидан “Сув кадоклаш цехи” биноларини қуриш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган хатига асосан, “Ўртақишлоқ” кишлоқ фуқаролар йиғини Ғузон қишлоғи ҳудудидаги 255-контурда жойлашган туман ҳокимлиги захирасида бўлган, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан “Сув кадоклаш цехи” биноларини жойлаштириш бўйича “Давархитектқурилиш” кўмитасининг 2002 йил ноябрда тасдиқланган Регламентига асосан “Қишлоққурилишлойиха” МЧЖдан олинган 2016 йил 9 августдаги 08-16/10-1119-сонли ижобий хулосасини ҳамда вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2016 йил 19 сентябрдаги 1394-сонли хулосасини ва туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссияси аъзоларининг 2016 йил 26 сентябрдаги 36-сонли қарорномасини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “Қишлоққурилишлойиха” МЧЖдан олинган 2016 йил 9 августдаги 08-16/10-1119-сонли ижобий хулосасини ҳамда вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2016 йил 19 сентябрдаги 1394-сонли хулосасини маълумот учун қабул қилинсин, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси аъзоларининг 2016 йил 26 сентябрдаги 36-сонли қарорномасини тасдиқлансин.
2. “Ўртақишлоқ” кишлоқ фуқаролар йиғини Ғузон қишлоғи ҳудудидаги 255-контурда жойлашган туман ҳокимлиги захирасида бўлган, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ер тоифасидаги ер майдонидан “MAROQAND TRANS GROUP” МЧЖга “Сув кадоклаш цехи” бинолари қуриш ва ободонлаштириш учун умумий майдони 2,01 (Икки сутун ўндан бир) гектар ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.
3. “MAROQAND TRANS GROUP” МЧЖ (М.Ахмедов)га рухсат этилган ер майдони бўйича белгиланган тартибда лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб, тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтгандан сўнг қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин ва 1 (бир) йил муддатда фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.
4. Туман ер ресурслари ва Давлат кадастри бўлими (Р.Халилов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га ушбу ер майдонида “Сув кадоклаш цехи” бинолари қурилишини лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.
5. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ушбу ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.
6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Валиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов